1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

# YOSHLAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

2018-YIL 12-IYUN SESHANBA

69 (16226)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз маънавий ҳаёти, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас бир қисми бўлган, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини яққол ифода этадиган Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 15 июнь жума кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги 5290-сонли Фармонига мувофиқ 2018 йил 15 – 17 июнь кунлари — Рамазон ҳайитининг биринчи уч куни байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 июнь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

**(Циндао шаҳри, ХХР, 2018 йил 10 июнь)**

**Муҳтарам жаноб Си Цзиньпин!**
**Ҳурматли давлат раҳбарлари!**
**Мажлис иштирокчилари!**

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан **Саммит**нинг барча иштирокчиларини қутлайман, **Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпин**га самимий қабул ва учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдираман.

Бизнинг хитойлик шерикларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига **раислик** даврида жуда самарали ва муваффақиятли ишларни амалга оширди.

Бугун қабул қилинадиган ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси мазкур ишларнинг муҳим натижаларидан биридир.

Гўзал Циндао шаҳридаги **Саммит**имиз **"Шанхай саккизлиги" раҳбарларининг биринчи учрашуви** сифатида тарихда қолади.

Бу чуқур рамзий маънога эга бўлиб, айнан **"8"** рақами хитой халқида **омад ва тараққиётни** ифодалайди.

Ташкилотимиз аҳолиси бирданига **бир ярим миллиард**га кўпайди, унинг иқтисодий ва **интеллектуал** салоҳияти сезиларли даражада кенгайди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, **Ҳиндистон** ва **Покистон**дек давлатларнинг **ШҲТ** фаолиятида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун мутлақо янги имкониятлар яратади.

Айни пайтда Ташкилотимизнинг минтақавий ва глобал сиёсатни шакллантириш, **Евроосиё қитъаси** хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим механизми сифатидаги роли кучайиб бормоқда.

**ШҲТ** янада муваффақиятли ривожланиб бораверишига қатъий ишонамиз.

**Ҳурматли мажлис иштирокчилари!**

Марказий Осиё барқарорлиги ва тараққиётини таъминлаш Ташкилотимизнинг асосий мақсадларига эришиш, унинг олдида турган вазифаларни ҳал этишда муҳим омиллардан биридир.

Шу муносабат билан **минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит** шаклланганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Биз қисқа вақт ичида минтақадаги ўткир муаммолар, жумладан, чегара, савдо, транспорт ва сувдан фойдаланиш масалаларини амалий ҳал қилиш йўлида **анча катта марраларни босиб ўтишга эришдик.**

Шу билан бирга, **Афғонистон**да тинчликка эришиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Барча томонларнинг олдиндан **ҳеч қандай шарт қўймасдан тинчлик музокараларини тез фурсатда бошлаш**ни бир овоздан маъқуллагани Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан яқинда Тошкентда ўтган **Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг** асосий натижаси бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

**18**

КУН ҚОЛДИ

Ёшлар иттифоқи томонидан Андижон вилоятининг Избоскан туманида истиқомат қилувчи **якка тартибдаги тадбиркор — Азизбек Долимовга** асаларичилик фаолиятини бошлаш учун **50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит** ажратилишига тавсиянома **берилди.**

ESHITDINGIZMI?

## ЯПОНИЯДА ЎЗБЕК ЁШЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ТУЗИЛДИ



Ташаббус Кунчиқар мамлакатда истиқомат қилаётган тенгдошларимизга тегишли.

Янги тузилманинг таъсис йиғилиши Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида бўлиб ўтди.

Таълим, маданият, сайёҳлик, иқтисодиёт, давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ишлаш ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Яқин истиқболда унинг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, шу кунга қадар Ўзбек ёшлари ассоциацияси АҚШ, Германия ва Туркияда тузилган эди.

## ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИРЛАШДИ



Мамлакатимиз парламенти ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти қошида "Ёш қонуншунослар клуби" ташкил этилди. Унга олий ўқув юртлари талабалари, магистрантлар ва иқтидорли ёшлар аъзо бўлган.

Янги клубда қонунчилик техникаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик-техник расмийлаштириш қоидалари бўйича илмий-амалий муҳокамалар олиб борилади.

"Ёш қонуншунослар клуби" раиси этиб Тоирхон Аббосхонов сайланган.

**Ўз ахборотимиз.**

## ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — МУШТАРАК ЮТУҚЛАР АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 – 10 июнь кунлари Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этди.

Саммит доирасида 9 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари бир қатор икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиб, кун тартибидаги энг долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилдилар.

Саммитнинг асосий тадбирлари 10 июнь куни бўлиб ўтди. Дастлаб ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари тор доирада учрашдилар.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш, иқтисодий ва инвестициявий шерикликни ривожлантириш, инновация ва юқори технологиялар ҳамда транспорт-коммуникация, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари Хитой ШҲТга раислик доирасида самарали ва муваффақиятли иш юритгани, сўнгги бир йилда аъзо давлатларнинг турли вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирокида 100 дан зиёд анжуман ташкил этилгани, бу тадбирларда муҳим натижаларга эришилганини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бирга кузатувчи, мулоқот бўйича шерик мақомидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари қатнашди.

(Давоми 2-саҳифада)

BELLASHUV

## МАҲОРАТИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ



Р.НАЗАРМАТОВ

Пойтахтимизда "Ёшлар фестиваллари" доирасида "Ёш қўшиқ ижрочилари" республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувнинг қуйи босқичларида 260 минг нафарга яқин ёш иштирок этди. 50 нафари финалда академик ижро (опера), анъанавий ва эстрада хонандалиги, бахшичилик йўналишларида истеъдодини намойиш этди.

Даставвал, иштирокчилар Ўзбекистон давлат амалий санъат музейига ташриф буюрди. "Адиблар хиёбони"да эса, ёзувчи ва шоирлар билан учрашди. Ҳар икки тадбир уларда ёрқин таассурот қолдирди.

Танлов жараёнида ёшларнинг маҳорати барчани лол этди. Санъат арбобларидан тузилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан ёш ижрочиларга керакли тавсиялар берилди. Якунда ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

— Устоз бахшилар — Абдуназар Поёнов ва Шоберди Болтаевга ҳавас қилиб дўмбира чалиш, достон айтиш сирларини ўрганаяпман, — дейди совриндорлардан бири Акром Мамаражабов. — Ушбу ижодий беллашув баҳонасида турли ҳудудлардан келган тенгдошларим билан танишдим. Бир-биримиз билан фикр алмашдик.

**Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА**

## ЁШЛАР — ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЕТАКЧИ КУЧ



Тошкентда 11 июнь куни "Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли" мавзуида халқаро конференция бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ва БМТ билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Испания, Нидерландия, Латвия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Малайзия, Кувайт, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон сингари мамлакатлар делегациялари, хорижлик экспертлар, шунингдек, сенаторлар, депутатлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари, фан арбоблари, журналистлар иштирок этмоқда.

Анжуманда ёшлар орасида терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари, бу жараёнда уларнинг ролини ошириш, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини кучайтириш, интернет ва оммавий ахборот воситаларида бундай иллатлар ташвиқотининг олдини олиш, ёш авлод вакиллари терроризм ва тажовузкор экстремизм таъсири остига тушиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида фан, маданият, спорт соҳаларида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Бугунги кунда тажовузкор экстремизм ва терроризм дунёда барқарор ривожланиш ва миллатлараро тотувликка муайян таҳдидларни юзага келтирмоқда. Бу эса уларни бартараф этиш учун биргаликда амалий ечим топишни тақозо қилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда қатор лойиҳалар амалга оширилиб, мулоқот гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон экстремизм ва радикализмга қарши курашишга глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида қараб, мазкур жараённинг доимий иштирокчиси ва ташаббускори бўлиб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев юксак минбарлардан туриб, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишини, шунинг учун, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканини алоҳида таъкидлаб келади.

Хусусан, давлатимиз раҳбари 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишга хизмат қилишини таъкидлади. Ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Халқаро анжуман иштирокчилари қайд этганидек, ушбу конференция навқирон авлод вакиллари ўртасида терроризмга сабаб бўлувчи омилларга қарши курашишда комплекс ёндашувлар ишлаб чиқиш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларга кенг йўл очади.

(Давоми 2-саҳифада)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ишончим комил, **“ШҲТ – Афғонистон” мулоқот гуруҳи** доирасида биз **Афғонистоннинг тинч тараққиёти**ни таъминлашга салмоқли ҳисса қўша оламиз.

**Муҳтарам делегациялар раҳбарлари!**

Биз ШҲТ доирасида кўплаб натижаларга эришдик. Шу билан бирга, Ташкилот доирасидаги шерикликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд.

Шу муносабат билан барчамиз қуйидаги масалаларга эътибор қаратишимиз лозим.

**Биринчидан ва энг асосийси — аҳоли,** айниқса, **ёш авлод**да терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш.

**ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши** мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Ишонамизки, ушбу Дастурни амалга оширишда **ШҲТ Ёшлар кенгаши** ҳақиқий «локомотив» вазифасини ўтайди. Ўзбекистон ушбу тузилма фаолиятида фаол иштирок этади.

**БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси**ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўлидаги ҳамкорлигимизни янада кучайтиришни таклиф этаман.

**Иккинчидан,** савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва кооперацияни кучайтириш.

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзо давлатлар, унинг кузатувчилари ва шериклари билан савдо ҳажми ўттиз фоиздан зиёд ошди.

Бизнинг фикримизча, товар айирбошлаш ҳажми янада ошишини таъминлаш учун **экспорт-импорт тартиб-таомилларини соддалаштириш** зарур.

Биз, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида агросаноат кластерларини шакллантириш тарафдоримиз.

**Учинчидан,** ШҲТ маконининг **транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш** – стратегик вазифамиздир.

**“Бир макон, бир йўл”** ташаббуси доирасида **минтақалараро транспорт лойиҳалари**ни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. **Бизга жаҳоннинг энг йирик бозорларига элтадиган янги ва энг қисқа йўналишлар керак.**

Ўзбекистон Мозори Шариф – Ҳирот, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўл линияларини қуриш тарафдори.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда ШҲТга аъзо давлатларнинг темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, ШҲТнинг Халқаро транспорт-логистика ассоциациясини таъсис этиш имкониятини кўриб чиқишни **таклиф этамиз.**

**Тўртинчидан, Инновация дастурлари ва лойиҳалари**ни ҳамкорликда амалга ошириш учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга даъват этамиз.

Бизнинг шериклигимиз юқори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, муқобил энергетика ва замонавий тиббиётни ривожлантириши ва кенг жорий этишга қаратилиши лозим.

**Ҳар йили** ШҲТ мамлакатлари **ҳукуматлари** ва ишбилармон доиралари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш **форуми**ни ўтказишни таклиф этамиз.

**Бешинчидан, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти** билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ ва ғоят долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан тамаддунлар чорраҳаси — **Самарқанд** шаҳрида **«Ипак йўли» туризм университети ташкил этиш**ни таклиф қилади.

Мазкур ўқув муассасасида туризм соҳасининг энг яхши мутахассислари дарс бериши, барча аъзо мамлакатлардан талабалар таҳсил олиши мумкин бўлади.

**Муҳтарам дўстлар!**

**ШҲТ Бош котиби** лавозимига **Владимир Имомович Норов** номзодини қўллаб-қувватлаганингиз учун Сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Сўзим якунида **Хитой Халқ Республикаси Раиси** жаноб **Си Цзиньпин**га **Циндао**даги тарихий **Саммит**нинг муваффақиятли ўтказилишига шахсан катта ҳисса қўшгани учун яна бир бор чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

**Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Шарипович Жээнбеков**ни **ШҲТ**га раисликни қабул қилгани билан табриклайман ҳамда ушбу шарафли ва масъулиятли миссияни бажаришда унга улкан муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТДОРЛИК — МУШТАРАК ЮТУҚЛАР АСОСИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мажлисда ШҲТни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Иқтисодий ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ҳамда кўп томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатлари муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Саммитда давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Владимир Норовни ШҲТ Бош котиби, Тожикистон вакили Жумахон Ғиёсовни ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори лавозимига тасдиқладилар.

Саммит якунлари бўйича Циндао декларацияси қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019 – 2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018 – 2022 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси, жами 17 ҳужжатни имзоладилар.

Ўзбекистон Президентининг таклифига мувофиқ, ШҲТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилингани саммитнинг яна бир аҳамиятли воқеаси бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Қирғизистон Республикасига ўтди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ШҲТнинг Циндао саммити самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ташкилотни янада ривожлантириш, минтақа мамлакатлари ва халқларини жипслаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик — муштарак ютуқлар асоси» шиори остида ўтган Циндао саммити ШҲТ фаолиятида янада янги имкониятлар очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашувда ушбу давлат билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас йўналиши экани таъкидланди.

Бир йилда ўзаро 70 делегация ташрифи амалга оширилгани, 21 марта ҳудудлараро учрашувлар ўтказилгани алоқаларнинг бугунги суръати ва миқёсидан далолат беради. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 40 фоиздан зиёд ўсди, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили Россияга ташрифингиздан кейин муносабатлар янги суръат касб этди. Сизнинг ташаббусингиз билан чегаралардан ўтишда “яшил йўлак” ташкил этилгани натижасида Ўзбекистон мева-сабзавотларини етказиб бериш қарийб 36 фоиз ошди. Россиянинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, деди Владимир Путин.

Мулоқотда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Хитой раҳбари ХХР Ўзбекистон билан кенг кўламли стратегик шериклик ва кўп форматли ҳамкорликка катта аҳамият қаратишини таъкидлади.

Президентимиз ХХР Шанхай ҳамкорлик ташкилотига муваффақиятли раислик қилгани ва Циндао саммити юксак савияда ўтаётгани муносабати билан Хитой раҳбарини табриклади.

Ўзбекистон – Хитой муносабатлари ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг барча муҳим соҳаларини қамраб олган ва изчил ривожланиб бормоқда. 2017 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этди.

Учрашувда иқтисодиёт, савдо, инвестиция, транспорт коммуникациялари, юқори технологиялар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТнинг Циндао саммити доирасида Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон халқини ушбу мамлакат Шанхай ҳамкорлик ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзо бўлгани, Н.Модини ШҲТ давлат раҳбарлари учрашувида янги мақомда қатнашаётгани муносабати билан қутлади.

Шавкат Мирзиёев мазкур учрашув аввал эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Нарендра Моди Ўзбекистон Ҳиндистоннинг ШҲТга қабул қилинишини қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳам ўзаро, ҳам минтақавий миқёсда ривожлантириш учун янги имкониятлар очишини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, инновация ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика, туризм каби йўналишларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн билан учрашув ўтказди.

Шавкат Мирзиёев Мамнун Ҳусайнни Покистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлгани билан табриклаб, бу мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Учрашувда савдо, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Циндао шаҳрида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи қардош ва қўшни Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишидан манфаатдор эканини таъкидлади.

Жорий йил Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференциядан кейин бутун дунёда юртингизда тинчлик ўрнатиш бўйича катта ҳаракатлар бошлангани мамнуният бағишлайди. Барча тушуняптики, бунинг яккаю ягона йўли — мулоқот. Ушбу учрашувимиз шу борада фикр алмашиш, мамлакатларимиз учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун қулай фурсатдир, деди Президентимиз.

Ашраф Ғани икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот кейинги пайтларда изчил фаоллашаётганини қайд этди.

Ўзбекистонга ташрифим доирасида эришилган келишувлар қисқа муддатларда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Афғонистон масаласи бўйича йирик анжуман ўтказганингиз учун халқимиз ва ҳукуматимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман. Бу масалага шахсан эътиборингиз сиёсий ечимларга йўл очди, деди Афғонистон Президенти.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги икки йилда Ўзбекистон – БМТ ҳамкорлиги фаол тус олгани, амалий натижалар билан бойиганини таъкидлади. БМТнинг нуфузли делегациялари мамлакатимизга мунтазам ташриф буюраётгани, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган амалий чора-тадбирлар режаси изчил амалга оширилаётгани қайд этилди.

Амина Муҳаммад Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги иштирокини мамнуният билан ёдга олар экан, мамлакатимиз томонидан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, Афғонистонни қайта тиклашга кўмаклашиш бўйича кўрилаётган аниқ чора-тадбирларни юқори баҳолади. Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция бу масалага жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортгани қайд этилди.

Мулоқотда БМТ делегациялари раҳбарлари билан бўлиб ўтган аввалги учрашувларда эришилган келишувлар ижросининг бориши бўйича атрофлича фикр алмашилди. Ҳамкорликнинг истиқболдаги муҳим йўналишлари муҳокама қилинди.

**ЎзА**

INNOVATSIYA

# ДАЛАГА ЧИҚИШ ШАРТ ЭМАС

**Роҳатой ҚОДИРОВА**

**Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабалари экин майдони ҳолатини таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизими модулини яратди.**





Мураккаб тадқиқот иши Ширин Аҳмедхўжаева, Ҳумоюн Аминаддинов, Дилмурод Мадраҳимов ҳамда Юнус Саъдуллаев томонидан бажарилган. Ҳозирда бу ёшлар маҳаллий “Учувчисиз технологиялар” компаниясида фаолият олиб бормоқда.

Компания 2017 йилнинг охирида тузилган. У учувчисиз учиш аппаратлари эксплуатацияси билан шуғулланади. Мазкур қурилмалар даланинг электрон харитасини тузиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ўлчамини тез ва бехато аниқлаш, уларнинг ривожланиши устидан мониторинг олиб бориш, ўғит ва кимёвий моддаларнинг оптимал миқдорини белгилаш, ҳосилдорликни прогнозлаш ҳамда ҳосилнинг сифатини назорат қилиш имконини беради. Бу эса, картографик материалларни ўз вақтида янгилаш ҳамда агротехник тадбирлардаги камчиликларни бартараф этиш учун айни муддаодир.

Талабаларимиз янги дастурий таъминотни Россиянинг “Птеро G1” учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида олинган фотосуратлар асосида ишлаб чиқди.

“Учувчисиз технологиялар” компанияси директори Шавкат Қодиров таъкидлаганидек: “Ёшлар минтақамизнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, анча истиқболли йўналишни танлаган. Шуниси қувонарлики, улар ахборот технологиялари соҳасидаги билимини кўнгилочар нарсаларга эмас, балки Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожига йўналтирмоқда”.

# ЁШЛАР — ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЕТАКЧИ КУЧ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Терроризмга олиб келувчи турли омилларга қарши курашиш мақсадида БМТ, ЕХҲТ каби қатор халқаро ташкилотларнинг тегишли қарорлари қабул қилинган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда террористик ташвиқотларга қарши курашиш учун кенг кўламли халқаро механизм жорий этилиши кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган миллий ҳаракатлар дастурларини ишлаб чиқиш ва ёшлар сиёсатини ривожлантириш имконини бермоқда.

— Бундай дастурлар ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга, — деди БМТнинг Истанбулдаги минтақавий офиси кластер раҳбари Шелли Инглис. — Халқлар ва давлатлар маданияти, тили, дини ва ҳаёт тарзида ўзига хосликлар мавжуд. Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализм таъсирига тушиб қолаётганлар ҳам турли ёндашувларга эга. Шунинг учун давлатлар кесимида миллий дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқиш орқали бу иллатга қарши курашиш зарур. Ҳозирги кунда 15 дан зиёд мамлакат ўзининг миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиққан. Келгусида бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади.

Кескин вазиятлар, оғир ижтимоий-иқтисодий ҳолат аҳоли ишсизлик кўпайишига олиб келади. Натижада, айниқса, ёшлар ўртасида миграция фаоллашади. Бу муайян маънода Марказий Осиё мамлакатларига ҳам хос умумий жиҳатдир.

Минтақамиз давлатлари ягона ривожланиш тенденциясига эга. Марказий Осиёда терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва терроризмнинг олдини олишга ўзаро маъқул ёндашувларни ишлаб чиқиш, ҳукуматлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ёшларда терроризм мафкураси ва экстремистик фаолиятга қарши самарали иммунитетни ҳосил қилиш орқали эришиш мумкин.

Бу борадаги қарашлар ва таклифлар конференциянинг шўъба йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаевнинг қайд этишича, ёшлар турли объектив ва субъектив сабаблар туфайли хорижга кетмоқда. Миграция натижасида бегона тил ва маданият билан юзланган авлод биринчи навбатда экстремистлар таъсирига тушиб қолаётир. Энг муҳим масала — хориждаги ана шу ёшлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, турли хавфли гуруҳлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишдир. Бундай шароитда Марказий Осиё давлатлари ёшлари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган тажовузкор экстремизм ва радикализм кўринишларига қарши кураш чораларини кучайтириш ҳар қачонгидан-да долзарб.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Марказий Осиё ва минтақага қўшни мамлакатлар ҳукуматлари ва ёшлар ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган конструктив ҳамкорлик бу борада халқаро ҳамкорлик бўйича саъй-ҳаракатларнинг асосини ташкил қиляпти.

Медиа макон аллақачон муайян ғоялар, қадриятлар ва эътиқодларни рағбатлантиришда муҳим таъсир кўрсатувчи омилга айланиб улгурган. Жумладан, ижтимоий тармоқлар ўзида ана шундай имкониятларни жамлаган. Бундан бузғунчи ғоя тарғиботчилари ғаразли мақсадда фойдаланмоқда.

Интернет террористлар учун янги аъзоларни топиш, ёллаш, ўқитиш, маблағ тўплаш, террористик ҳаракатлар ташкил этишнинг асосий воситасига айланган. Янги телекоммуникация технологиялари турли гуруҳлар ўртасида тезкор маълумот алмашиш, фаолият доирасини кенгайтириш ва психологик таъсир кўрсатиш имконини бермоқда.

Шу муносабат билан “Интернет ва оммавий ахборот воситаларида тажовузкор экстремизмнинг олдини олиш” мавзуида ташкил этилган учинчи шўъба йиғилишида оммавий ахборот воситалари миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойилини тарғиб қилиш, ўзаро ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш, нафрат қўзғатишнинг барча йўналишларига қарши курашдаги ўз позициясини мустаҳкамлашга чақирилди.

Конференция доирасида Минтақавий таҳдидларни ўрганиш маркази томонидан ЕХҲТ кўмагида экстремизмга қарши курашиш — stopterror.uz ахборот порталининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда “Марказий Осиё ёшлари тажовузкор экстремизмга қарши” танловининг минтақавий босқичи натижалари эълон қилинди.

Учрашувда, шунингдек, тажовузкор экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда минтақа мамлакатлари ёшларининг халқаро уюшмасини ташкил этиш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

Ғаллаорол туманидаги “Қуйтош” қўрғонида ёш ижодкорлар семинари бўлиб ўтди

# ИЛҲОМ ОҒУШИДА

**Бекназар ҚОРАЖОНОВ**

“Қақнус” адабиёт ва журналистика тўгараги ташаббуси билан еттинчи марта ташкил этилган анжуманда таниқли адиблар, журналист ва рассомлар, юз нафарга яқин ижодкор йигит-қиз қатнашди.

Иштирокчилар учун назм, наср, журналистика ва драматургия йўналишларида маҳорат дарслари ўтилди. Ёш ижодкорларнинг асарлари ҳам муҳокама қилиниб, мутахассислар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Шу билан бирга, рассомлар учун табиат қўйнида амалий машғулотлар ташкил этилди.

Ижод байрами баҳри байт ва шўх қўшиқларга уланиб кетди. Айниқса, ёш драматурглар томонидан намойиш этилган саҳна асарлари барчага манзур бўлди. “Қуйтош” табиий ансамбли бўйлаб саёҳат эса, ўғил-қизларда унутилмас таассурот қолдирди.

Якунда барча иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Ёшларнинг ижодий баёзини чоп этишга келишиб олинди.

TASHABBUS

# КИТОБ БЕРГАНГА РАҲМАТ!

**Отабек ИСРОИЛОВ**

**Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежида Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ташаббуси билан ёшлар кутубхонаси ташкил этилди.**



Зиё масканида 132 номдаги мингга яқин бадиий адабиёт жамланган. Қувонарлиси, туман аҳли ҳам унинг фондини бойитишга ҳисса қўшаётир.

— Ёзги таътилни қандай ўтказиш ҳақида ўйлаб юргандим, — дейди коллеж ўқувчиси Абдурасул Ҳамидов. — Энди бош қотирмайман. Ҳафтада иккитадан китоб ўқисам, янги ўқув йилигача ўттизга яқин асарни тугатарканман. Хайрли ишга бош бўлган ташкилотчиларга катта раҳмат!

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# 100 ТА ҚАЛБГА ИНГАН НУР

Малик СИНДОРОВ



**Бугун Ёшлар иттифоқи ўнлаб йигит-қизларга ёрдам қўлини чўзиб, ҳаётда ўз йўлини топишига имкон бермоқда. Масалан, Иттифоқнинг Андижон вилояти кенгаши ўтган бир йил давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 95 нафар йигит-қизга амалий кўмак кўрсатди.**



Шаҳзода Ҳайитова 21 ёшда. Чеварликни касб қилган. Турли эскизлар чизиб, сингилларига кўйлакчалар тикиб беради. Кўпдан бери тикувчилик цехини очишни орзу қилиб юрган тенгдошимизга Ёшлар иттифоқи янги тикув машинасини совға қилди. Энди Шаҳзода маҳалладаги бошқа қизларга ҳам ҳунар сирларини ўргатиб, касаначилик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Шаҳрихон туманида истиқомат қилувчи Бобомурод Абдуманнопов китоб ва футбол ишқибози. Тенгқурлари каби кўчаларни чангитиб тўп тепишни, қўлбола самолётлар учиришни, чопқиллаб мактабга бориб-келишни жуда-жуда хоҳлайди. Аммо имкони йўқ...

Бобомурод туғма ногирон. Ҳар куни 55-умумтаълим мактабининг жонкуяр ўқитувчилари уйига келиб, турли фанлардан сабоқ беради. Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши фаоллари ҳам ҳолидан мунтазам хабар олмоқда. Яқинда эса, ёшлар ташкилоти унга ногиронлик аравачаси топширди. Бундай эътибордан кўнгли тоғдек кўтарилган тенгдошимиз Иттифоқдан беҳад миннатдор.

TASHABBUS VA IJRO

# МАҚСАДИМИЗ — ЁРДАМ БЕРИШ

Дилафрўз ШУКУРОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

**Жиззахлик Шоҳида тўрт нафар фарзанди билан ёлғиз қолди. Афсуски, ота-онасининг ҳам оила қўрғони мустаҳкам эмас экан, кўп йиллик турмуш бузилди. Шоҳиданинг эса, қўлида на ҳунари, на маълумоти бор. Пулсиз, уйсиз қолган она қизи ва набираларини олиб, пойтахтга келди.**

Ўзи Чорсу бозорида фаррош бўлиб ишлай бошлади. Қизи эса, тиланчиликни касб қилди. Оилада қадриятлар тизими издан чиққани боис, яна бир фарзанди — Олмахон ҳам оғирнинг остидан, енгилнинг устидан ўтадиган бўлиб улғайди. Уч нафар боласи билан эридан ажрашиб келди-ю, опасининг изидан борди. Намоматлар бўлсинки, опа-сингил икки-уч йил шу тарзда ҳаёт кечирди. Бу орада она ҳам вафот этди.

Хотин-қизлар қўмитаси ва жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати билан Шоҳида билиб-билмай қилган хатоларидан тўғри хулоса чиқарди. У уй-жой билан таъминланди. Бири ўн бир, бири тўққиз ёш бўлишига қарамай, ҳали мактаб остонасидан ҳатламаган фарзандларига ўқитувчи ва руҳшунослар бириктирилди. Пахтакор тумани ҳокимлигидан вакил ҳар куни оиланинг ҳолидан хабар олмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралидаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий ва оилавий аҳволи ўрганилмоқда. Масалан, ногиронлиги бўлган аёллардан 1 минг 207 нафари ўтган йили уй билан таъминланган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 107 нафар аёлга шундай ёрдам кўрсатилди. Яна 879 нафари касаначилик асосида иш билан таъминланган.

Хотин-қизлар қўмитаси томонидан юртимизнинг барча маҳаллалари ва таълим масканларида "Қизларжон" клублари ташкил этилган. Улар 7 ёшдан 35 ёшгача бўлган қиз ва аёлларни ихтиёрийлик асосида бирлаштириб, жамиятдаги мавқеини ошириш, касб-ҳунар эгаллаши учун шароит яратиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашмоқда.

Яқинда Наманган шаҳрининг Тўрақўрғон туманида илк Аёлларнинг ижтимоий мослашув маркази иш бошлади. Тез орада шундай масканлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида очилади. Мақсадимиз мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган, оиласида зўравонликка дуч келган аёллар ва уларнинг фарзандларига руҳий, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.

# Мароқли таътил



Оромгоҳларнинг:





206 таси стационар
978 таси кундузги.

Мавсум давомида 313 мингта соғломлаштириш оромгоҳи 301 минг 600 нафар болага хизмат кўрсатади.

17 та оромгоҳ янги қурилди.
100 дан ортиғи таъмирланди.



Мамлакатимизда биринчи марта 207 та ихтисослаштирилган оромгоҳ ташкил этилди.



Интеллектуал ривожлантириш йўналишида — 15 та;
Ҳарбий-спорт соҳасида
Экологик-биологик ва ўлкашунослик
Техник ижодкорлик
Бадиий ижодкорлик
68 та
Ижтимоий-мослашув оромгоҳлари — 7 та.

БЕПУЛ ДАМ ОЛАДИ:

- Оролбўйи минтақасидан 4 минг нафар ўғил-қиз (Тошкент шаҳри, Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги оромгоҳларда)
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 40 минг нафар фарзанди
- Меҳрибонлик уйларининг 2 минг нафарга яқин тарбияланувчиси ҳамда жисмоний имконияти чекланган болалар



# ШАҲРИХОНДА "КИТОБХОНЛИК КУНЛАРИ"

Абдужалил АБДУРАҲИМОВ



**Болаларнинг ёзги таътил вақти мароқли ўтишига кўмаклашиш мақсадида Андижон вилоятида "Ёзни "Камалак" билан!" лойиҳаси баравж амалга оширилмоқда.**

Яқинда унинг доирасида Шаҳрихон туманидаги "Назармаҳам" ҳамда "Қумтепа" маҳаллаларида "Китобхонлик кунлари" ҳамда "Мен ўқиган асар" кўрик-танлови ўтказилди.

Мутолаа инсон ақлу тафаккурини чархлайди. Кўп китоб ўқиган боланинг дунёқараши ва фикрлаш доираси кенг бўлиши аниқ. "Мен ўқиган асар" маънавий-маърифий беллашув доирасида бу ҳақиқат яна бир карра ўз исботини топди. Маҳаллаларнинг китобхон ёшлари сардор тенгдошларига ўзлари ўқиган китоблар ҳақида сўзлаб берди.

Лойиҳаларда икки минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

YOZ — 2018

# АҚЧАКЎЛГА КЕЛДИ БОЛАЛАР



Сожида САПАЕВА

**Элликқалъа туманининг Ақчакўл овулида "Орол болалари" халқаро ўқув-соғломлаштириш масканида ёзги мавсум бошланди. Ҳозир у ўз бағрига Қорақалпоғистон Республикасининг турли туманларидан келган 240 нафар болани қамраб олган.**



Оромгоҳнинг очилиш маросими "Ёзни "Камалак" билан!" лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Болажонлар учун қувноқ концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда туман ҳокими С.Авезов қатнашди.

Дам олиш маскани директори Р.Аллабергеновнинг сўзларига қараганда, муассасага ўқувчи-ёшлар беш сменада қабул қилинади. Болалар учун турли ўқув машғулотлари, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади. Бунинг учун барча шароитлар муҳайё.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ

**"Ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялашга, уларда тадбиркорлик, илмий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга кўмаклашиш" мавзуида Давлат грантлари ажратиш учун танлов эълон қилади**

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:**

1. Ёшларда китобхонлик кўникмасини шакллантириш, уюшмаган ёшлар ўртасида "Адабиётга эътибор – маънавиятга эътибор", "Мен севиб ўқиган китоб" ва "Энг яхши китобхон" танловларини ташкил этиш;
2. Уюшмаган ёшларни, ноқонуний меҳнат мигранти сифатида хорижий давлатлардан депортация қилинган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, инновацион фикрлашини шакллантириш, уларни кашфиётчилик, рационализаторлик ғоялар ва «нау-хау»ларни ишлаб чиқишга йўналтириш;
4. Маҳаллалардаги уюшмаган ёшларнинг қизиқишлари, орзу ва истакларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга шарт-шароит яратиш, турли тўгараклар, спорт жамоаларини шакллантириш;
5. Ёшларнинг аэрокосмик, аэродинамик соҳалардаги билимларини юксалтиришга кўмаклашиш, уларда интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтириш;
6. Ёшларда, айниқса, уюшмаган, тарбияси оғир бўлган ёшларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларни жамиятдаги интеграциясига маънавий психологик кўмаклашиш;
7. Ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, оиланинг муқаддас қадриятларини ёшлар тафаккурига сингдиришнинг инновацион (маънавий, психологик ва бошқалар) усулларини амалга ошириш;
8. Ёшларда фуқаролик бурч ва масъулиятни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, давлат ва жамият қуриш соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари тўғрисида хабардорлигини ошириб бориш;
9. Маданият, адабиёт, санъат ва аниқ фанлар соҳаларида ёш авлоднинг ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш имкониятини яратишга кўмаклашиш, уюшмаган ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш;
10. "Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан" шиори остида маҳаллаларда, айниқса, ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини юксалтириш;
11. Уюшмаган ва тарбияси муаммоли ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида "Мен Ватанимни севаман", "Жамиятда менинг ўрним бор" мавзусида туркум тадбирлар ўтказиш;
12. Маданият ва спорт муассасалари билан шерикликда ёшлар ўртасида халқ спорти ўйинларини оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини маданий ташкил этиш, қишлоқ қизларини бадиий гимнастика ва спортга кенг жалб қилиш;
13. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига кўмак кўрсатиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар **2018 йил 7 июндан 13 июлгача** қабул қилинади.

**Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.**

**Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.**

## PSIXOLOG MASLAHATI



**— Яқин дўстим жуда қобилиятли йигит. Институтни аъло баҳоларга тамомлаб, нуфузли ташкилотга ишга кирган. Бироқ пича қатъиятсизлиги бор-да. Киришимли эмас. Одамлар билан тез тил топиша олмайди. Бу кетишда лавозимда кўтарилишда ҳам қийналадими, деган хавотирдаман. Муаммонинг ечими борми, маслаҳат беринг.**

**Нодир АБДУҚАЮМОВ**
Риштон тумани

**Саволга амалиётчи психолог Луқмон КАЗАКОВ жавоб беради:**

— Бу муаммонинг илдизи кенг тармоқли. Шунга қарамай, асосий сабабни оилада, дўстингизнинг болалик чоғларидан излашни маслаҳат бераман. Эҳтимол, ота-онаси ёки мактабдаги ўқитувчилари унга ўзини намоён этишга имконият яратмаган. Ёки тенгдошлари даврасида вақт ўтказгани учун қаттиқ дакки эшитган. Бундай пайтда инсонда бошқалар билан мулоқотга киришиш қобилияти ривожланмай қолади. Оқибатда у тортинчоқ, қатъиятсиз бўлиб ўсади.

Дўстингиз ишда нимага қодирлигини, касбий малакасини намоён этиш орқали жамоада ўз ўрнини топгани, ҳурмат-эътибор қозонгани маъқул. Шунда атрофдагилари унга қизиқиш билдиради, мулоқот қилишга, ўзаро фикр ва тажриба алмашишга интилади. Унгача эса, ўша йигит бирон ҳамкасби билан дўстлашиб олишга ҳаракат қилсин. Бора-бора бу доира кенгайиб, аста-секин ҳаммаси изга тушади.

Кундалик ҳаётда эса, қатъиятсиз одамлар олдига юксак мақсадлар қўйиб, уларга етишиш учун ўзида куч ва ирода топиш йўли билан бу камчилигини бартараф этиши мумкин. Ҳар бир эришилган ғалаба учун ўзингизни-ўзингиз рағбатлантириб турсангиз ҳам яхши самарага эришасиз.

## BUGUNNING GAPI

*Маъмура ХЎЖАҚУЛОВА, талаба*

# ТАШВИШ ЭМАС, ШОДЛИК КЕЛТИРСИН



**Кўчамиз муюлишида дўкон бор. У ерда ҳамқишлоқлар доимо гурунглашиб ўтиради. Бир куни уларнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Гап Тоштемир аканинг тўйи ҳақида эди. Биров хизматга келган артистлар, яна кимдир тўй дастурхони ҳақида тўлиб-тошиб гапирарди.**

— Роса зўр базм бўлди-да. Ўзиям йўқ деганда битта машинанинг пули кетгандир, — деди четроқда ўтирган амаки.

Айтишларича, тўй анча дабдабали ўтган. Ўйлаб қолдим: неча йил мисқоллаб йиғилган ризқ-насибани бир кечада кўкка совуриш шартмикан? Ахир, ортиқча харажатлардан воз кечиб, пулни бошқа зарурроқ эҳтиёжларга сарфлаш мумкин-ку!

Жорий йилнинг март ойида мамлакатимиз парламенти "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйганди. Қани энди ушбу ҳужжатни халқимиз қўллаб-қувватлаб, исрофу дабдабаларнинг олди олинса. Аммо унгача ҳали борга ўхшайди.

Одамлар ўзини-ўзи қийнашдан тўхтамаяпти. Давлатимиз шунча чора-тадбирлар кўраётганига қарамай, билганидан қолмаётганлар, афсуски, орамизда бор. Мана яқинда, қўшни маҳалламиздаги Наби ака ўғлини уйлантирди. Тўйни нақ учта тўйхонада ўтказибди. Ана сизга элга ҳурмату қонунга итоат!

Оналаримиз қизимнинг кўнгли ўксимасин, борган жойида изза бўлмасин, деб бор-йўғидан кечиб, сарпо йиғади. Ваҳоланки, бахт нарса-буюм ё ҳашаматда эмаслигини ҳаётнинг ўзи бот-бот исботлаб келмоқда-ку!

Грузинлар қиз узатаётганда сепига Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" достонини қўшиб берар экан. Бу анъанани ўзимизда ҳам қўлласак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ёки буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий асарларини совға қилсак ёмон бўлмасди. Назаримизда, тўйлардаги дабдаба, бемаъни урф-одатлар маънавиятсизлик оқибатида келиб чиқяпти. Ёшлар кўпроқ китоб мутолаа қилса, аҳвол ўнгланармиди...

Тинч юртимизга тўйлар ярашади. Аммо тўйлар одамларга ташвиш келтириши эмас, балки шоду хуррамлик улашмоғи даркор. Илло, ҳаммаси яна ўзимизга боғлиқ.

*Сарвиноз МАМАНОВА*



**Қор борлиқни бурқаганди. Кўчада аёзли изғирин увиллайди. Кичик хонада кампирдан бўлак ҳеч ким йўқ. Кампир "қув-қув" йўталар, ҳар йўталганида ўпкаси оғзига тиқиларди. Деразанинг бир четидан кираётган совуқ шамол этини жунжиктирарди.**

# ҚАРИЧГА сиғмаган дунё

— Бугун ҳам кун илимайдиган кўринади, — дея ўзига-ўзи ғудранди. — Бунчаям баҳорнинг келиши қийин бўлмаса. Ўзиям бир йил бўлди-ёв, чаккамга ҳам тегиб кетди-я, уфф!

Кампир худди гапини биров эшитиб қоладигандек лабини тишлади. Тавба қилди, ахир у ҳеч қачон худога нолимас эди-да! Энди нима бўлди? Ўзи ҳам билмайди. Пиёлада турган ясама тишини оғзига соларкан, бир ўқчиб олди. Оғзидаги маддалаб кетган яралар оғриқ берди. Ноилож тишини қайтариб пиёлага солди.

Ҳассасини топа олмаганидан аччиғи чиқиб, ўзига-ўзи зарда билан пилдираб юра бошлади. Унинг букчайиб қолган қадди, бир бурда юзидаги ажинларида ҳам ҳамон ёшлигидаги ўжарлик, қатъият сақланиб қолган. Бировга тобе бўлишни, кимгадир бошини эгишни сира истамайди, шу сабабми, турмуши ҳам бузилди. Ёлғиз ўғли билан бўзлаб қолаверди. Вақтида эрининг гапини гап демади, писанд қилмади. Кейин эса, бошқалар каби яйраб-яшнаб яшай олмади. Ўғли ҳам суянч бўлмади. Муносабатлари ҳавас қилгудек даражада эмас.

— Бомдод ҳам кечикиб кетди...

Кампир таҳорат учун печнинг устида илиб турган обдастани олиб, шахд билан эшикка йўналди. Одатда у жаҳли чиқсагина шундай ҳаракат қилади. Ҳозир ҳассасини топа олмагани бир сабаб бўлса, тоғорасининг жойида йўқлиги иккинчи сабаб бўлди.

— Буларнинг биттаси ҳам хабар олай демайди, ноинсофлар, — минғиллади у ўзига-ўзи.

Эшик четидаги тутқичдан ушлаб, яхмалак ерга оёқ қўйди-ю, бирдан сирпаниб, қўли тутқичдан чиқиб, ерга йиқилди. Миясига урилган оғриқнинг зўридан кўзларини чирт юмиб совуқ ерни қучганича инграб юборди. Анчадан буён бўғзига аччиқ бир алам тиқилиб юрганди, юрагини пармалаётган дард бугун кампирнинг кўзларидан ёш бўлиб қуйилди. Унинг назарида бутун вужудида умрбод йиғилиб келаётган дард-ҳасратлари, ниҳоят, бугун ёрилиб, пўст ташлаган ярадаги мадда янглиғ оёғининг бир четидан сизиб оқаётгандек. У карахт бўлиб қолганди, оёғининг лат еган жойи қаттиқ оғрирди, қонаётгани аниқ.

Кампир анча вақтгача йиғидан тўхтамади. Унинг овозини эшитиб қўшни хонадан ўғли югуриб келди.

— Нима бўлди? Нега ҳовлига чиқдингиз? Ичкарида тоғорангиз бор эди-ку, — деди у онасини турғизишга чоғланиб.

— Тегма, — деди йиғидан овози битиб қолган кампир жаҳл билан.

— Ундай қилманг, туринг ўрнингиздан, совуқ ўтиб кетади, — деди ўғил елкасидан тутиб.

— Ўлганим яхши эди, кўзларингга тушган чўп бўлдим, — дея ҳасрат қила бошлади кампир.

Ўғилнинг дийдаси юмшаб, онасини кўтариб, уйга олиб кирди.

— Ҳеч қаерингиз оғримаяптими?

Кампир чурқ этмади.

Ўғил саволини яна такрорлади.

— Оёғим қонаяпти, айт тозалашсин! Чойшаб кир бўлади.

Ўғил онасининг оёқларини ушлаб кўрди. Биронта жойида қон йўқ эди. У ажабланди.

— Қонагани йўқ-ку?

— Нима?

Кампир шундай деди-ю, бошқа индамади. Намози ҳам қолиб кетди. Кеча ошхонада қолдириб кетган ҳассасини ўғли олиб келиб берди.

— Сут олиб келсинми? Ичиб олинг, эна, томоғингиз очилади.

Она йўқ ишорасини қилди.

— Бугун қайси кун? — сўради кампир зўрға овоз чиқариб.

— Пайшанба.

— Баҳор келиб қолдими?

— Ҳали феврал-ку, эна.

Кампирнинг дарди янгиланди, у яна йиғлашга тушди. Ахир, баҳор бошланди, деб умид қилганди-да. Ўлиб-нетиб қолса, одамлар шу совуқда унинг маъракасига келармикан? Эртароқ баҳор келса-ю, омонатини топшира қолса.

— Бўлди-да, энди, эна, бу нимаси?! Худо демайсизми. Эл бор, юрт бор, — ўғил онани юпатмоқчи бўлди. Аммо энди кампирни тўхтатиб бўлмасди. Уни нотинч, дардли ўйлар эзғиларди.

— Мен элга нима қилиб қўйибманки, улар менга қилса, болам...

"Худойимга ёқмаган хислатим шунчалар кўпмикан?" деган хаёл яна этини тирнай бошлади.. Ўғли бир нималар ҳақида гапирар, бироқ кампирнинг қулоғига гап кирмас, айни дамда у бутун умр кўнглини ўртаган саволларга жавоб қидирарди. Йиғлай-йиғлай охири ухлаб қолди.

Ўғил шифокор олиб келгани кетди. Келин қайнона учун "жаз-буз" пиёздоқ қилди. У шунақасини яхши кўради. Шифокорлар кампирга сил, деб ташхис қўйган. Бу гапни эшитиб келиннинг ранги қув ўчганди. Кейинчалик фарзандларини кампирнинг ёнига йўлатмай қўйди. Бечора нима қилсин, фарзандларига юқиб қолса нима бўлади? Рўзғорини ажратиб олди. Кампирнинг идиш-товоғи алоҳида, уйида яккаланганига бир йилдан ошди. Бу келин жуда аломат чиқди. Қайнонага кўз-қулоқ бўлиши кераклигини айтгувчилар кўп бўлди, бироқ у ҳам худди кампирнинг ўзгинаси — ўжар, бировнинг гапини гап демайди. Кампир ёлғизланиб қолди. Бир ҳовлида яшаса-да, невараларини соғинади. Тўғри, ёнига ўғли ҳам, келини ҳам келиб туради, бироқ улар ўзи орзу қилганидек ёнида гирдикапалак эмас.

* * *

— Бу сафар неча кун касал боқарканман, — деди келин ўзига-ўзи. Яна шайтонга ҳай берди. Ўзи бугун негадир ичи эзилиб турувди. "Нималар қилдим ўзи, бечора кампир. Роса азобини кўрди-да, ишқилиб, энди Худойим қийнамай жонини олақолсин, — деб ўйлади ичида. Шундай дейишга деди-ю, кўнглининг қайсидир бурчини алланечук ҳис кемирар, ўзини қўярга жой тополмай қийналарди. Шу сабабми ачиниш аралаш меҳр билан оқ чой ва қайнонасига ёқадиган яна бошқа егуликларни тайёрлаб, унинг ёнига ошиқди.

* * *

Шифокорни бошлаб келган ўғил онасининг ухлаб ётганини кўриб бироз қувонди.

— Туринг, эна, — деди секин елкасидан туртиб.

Кампир миқ этмади. Ўғил яна уч-тўрт марта чақирди, садо чиқмади. Шифокор кампирнинг пешонасини ушлаб кўрди, боя аланга ичида ёнаётган вужуд совий бошлаганди. Энди уни ҳеч ким уйғота олмайди. Ўғилнинг бўғзига бир нима тиқилди. У карахт бўлиб қолди.

... Эртасига ҳовлига одам сиғмай кетди. Гарчи қирчиллама қиш бўлса-да, одамлар савоб талаб мусулмани сўнгги йўлга кузатишга йиғилди.

Баҳорни интизор бўлиб кутган кампир буни кўргандами, "Худойимга қайси ишим ёқди экан, маъракамда ҳовлига одам сиғмай кетди", деган бўлармиди...

Бир бурдадан берса тўйдиради, бир муштдан берса ўлдиради. Элдан айланай, элдан. Ахир қишлоқда мусулмоннинг майити қачон кўчада қолган?

YOSHLIK ILHOMI

## 1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ




**— Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасидан қачонгача фойдаланишим мумкин?**

**Дурбек БАҲРИДДИНОВ**
Тошкент шаҳри

**Саволга ҳуқуқшунос Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради:**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги "Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳамда автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар 2021 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

Амалдаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгилаш 2018 йил 31 декабрга қадар гувоҳнома эгасининг ёзма аризасига кўра ихтиёрий равишда, 2019 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабрга қадар эса, мажбурий тартибда амалга оширилади.

Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномалар 2017 – 2020 йиллар мобайнида босқичма-босқич тарзда, автомототранспорт воситасини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жараёнида янги намунадагисига алмаштирилади.



**(Ёш ҳуқушунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).**

## MEROS

*Умида ОХУНЖОНОВА, Умида ТОЖИМУҲАМЕДОВА, Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходимлари*

**Юртимиздаги йирик маданий объектлардан бири бўлган Темурийлар тарихи давлат музейида соҳибқирон Амир Темур асос солган улкан салтанат тарихи, маданияти ва санъати ҳақида маълумот берувчи бир қанча экспонатлар сақланмоқда. Улар орасида ёғоч ўймакорлиги намуналари ҳам бор.**



# ЁҒОЧГА битилган санъат

Ўзбекистон ҳудудида ёғочга ўйма нақш солиш санъати қадимдан шаклланиб, уй-рўзғор буюмларини ясаш ва меъморчиликда кенг қўлланилган. Темурийлар даврида миллий ҳунармандчиликнинг барча турлари жуда тез суръатлар билан ривожланди. Шу жумладан, ёғочга ўйма нақш солиш санъати ҳам юқори чўққига кўтарилди. Ўша даврда қурилган бино ва иншоотларнинг эшик ҳамда устунларидаги нафис, чуқур бўртма гуллар, ислимий ва ҳандасий нақшлар юксак маҳорат билан ишланганини кўриб ҳайратланасан, киши. Уста ҳунармандлар томонидан яратилган бетакрор асарлар ўзининг мураккаблиги билан ҳам ажралиб туради. Афсуски, уларнинг аксарияти намга дош беролмай чириб, бизгача етиб келмаган.

Бугунги кунда XIV – XV асрларга оид ўймакор ёғоч устунлар Темурийлар тарихи давлат музейи залларини ҳам безаб келмоқда. Улар ўз даврида Хивадаги масжидлардан бирида қад ростлаган. Устунлар дарахтнинг қимматбаҳо нави — қайрағочдан ишланган бўлиб, юзаси мураккаб ўйма нақшлар билан қопланган. Эпиграфик ёзувлар ёрдамида ўймакор-усталар Қуръондан олинган оятларни ҳам акс эттиришга ҳаракат қилган.

Устунларнинг юқори қисмида ўсимликсимон ва ҳар бири турли кўринишга эга нақшлар мавжуд. Пастки қисми эса, ўсимликлар кўринишидаги гилам нусха нақш билан безатилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган бетакрор амалий санъат ва ҳунармандчилик, меъморчилик, хаттотлик намуналарига қараб бобокалонларимиз маданият аҳлига нечоғлик ҳомийлик қилгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бу, шаксиз, биз, авлодлар қалбини фахр туйғусига тўлдиради.

## BILASIZMI?



Қоидага кўра, марказий тизимлар орқали иссиқ сув билан таъминланувчи кўп квартирали уйларда жўмракдан келаётган иссиқ сув ҳарорати 50-75°C даражада бўлиши лозим. Мазкур кўрсаткич ҳар 3°Cга пасайгани учун тегишли тўлов миқдори 0,1 фоизга камайтирилади.




Рассом: Жаҳонгир МИРЗО

**ЎНГУ СЎЛГА БОҚМАЙ ҲАР ДАМ, БОСМОҚ ЗАРУР ОЛҒА ҚАДАМ!**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович
Норбоев Жамолиддин Жуманазар ўғли

Навбатчи
Жавлон Вафоев

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г- 636
Адади — 21676

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.55
ЎзА якуни — 00.55

Офсет усулида босилган.
1 2 3 4 5